



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 25-avgust. Seshanba 99 (32.002)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz




БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ЯШНОБОД ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!» ШИОРИ ОСТИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

Мустақиллик масъулияти

Тадбирда иштирок этган партия тузилмалари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи, «Тарғиботчилар гуруҳи» аъзолари ва фаоллар мамлакатимиз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий экани, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида биз эришган ютуқ ва марраларнинг моҳияти, аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритишди.

► Давоми 2-бетда.



«AFROSIYOV» ПОЕЗДИ ҚАРШИГА ҲАМ ҚАТНАЙ БОШЛАДИ

Мамлакатимиз мустақил-лигининг 24 йиллиги арафасида — 22 август кунини юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоезди Тошкент — Самарқанд — Қарши йўналишида ilk қатновни амалга оширди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида темир йўл транспортини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тизимда кенг қўлланил

лохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, йўловчи ва юк ташуш ҳажми тобора ошмоқда.

Бундан тўрт йил аввал мамлакатимиз пойтахти билан Самарқанд шаҳри ўртасида Испаниянинг «PATENTES TALGO S.L.» компаниясида ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоезди қатновининг йўлга қўйилгани бу соҳада амалга оширилган улкан ишларнинг амалдаги

ифодаси бўлди.

Икки локомотив, саккиз йўловчи вагон ва вагон-ресторандан иборат ушбу замонавий поезд ўтган даврда халқимиз ва юртимиз меҳмонларининг энг қулай ҳамда ишончли транспорт воситасига айланди. Буни қатнов йўлга қўйилгандан бери «Afrosiyob»да 600 мингдан зиёд йўловчи манзилига етказилганда ҳам қўриш мумкин.

«Afrosiyob» электропоездининг Тошкент-

Самарқанд-Қарши йўналишида доимий ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жалдлаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2012 йил 5 январдаги «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Марқанд-Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига асосан, 140,8 километрлик Марқанд-Қарши участкаси тўлиқ электрлаштирилди. 11 станцияда 9 километр пўлат излар реабилитация қилинди, 2100 куб метрдан ортиқ тупроқ ишлари бажарилди.

Поездларнинг ишончли ҳаракатланиши, алоқа тизимларининг нуқсонсиз ишлашини таъминлаш мақсадида замонавий автоматлаштирилган, диспетчерлик бошқаруви, электр энергия сарфини автоматик ҳисоб-китоб қилиш тизими йўлга қўйилди. Участканинг барча кесилмалари радиолоқа ва телефон алоқаси билан жиҳозланди, йўлларнинг икки томонига темир панжаралар ўрнатилди.

Шу кунгача йўловчи поездлари Тошкентдан Қаршигача бўлган 511 километр масофага қарийб олти соатда етиб борган бўлса, «Afrosiyob» электропоезди ушбу йўлни уч соатда босиб ўтади.

Қарши темир йўл вокзалида «Afrosiyob» поезди етиб келгани муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиёв, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О.Раматов ва бошқалар ушбу янги йўналиш мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг ўзига хос намоёйиши бўлиши билан бирга, одамларимизнинг маънавий-маданий ҳаётида, уларнинг турли хизматларга, жумладан, транспорт хизматида бўлган муносабати, талабиди катта ўзгаришлар рўй бераётганини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров иштирок этди.

Беход БОЗОРОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

Сиёсий партия

бошланғич ташкилотдан бошланади

КИМ НИМА ДЕМАСИН, ПАРТИЯВИЙ ИШДА ЎЗГАЧА БИР ЖОЗИБА БОР. МЕН БУНИ ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШИГА ЕТАКЧИ БЎЛГАНИМ УЧУН ЭМАС, АТРОФИМДАГИ ОДАМЛАРНИНГ СИЁСИЙ КУЧГА ИШОНЧНИН СЕЗГАНИМ, УЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ҚИЗИҚИШИ ОШИБ БОРАЁТГАНИНИ КУЗАТГАНИМ УЧУН КЎП БОРАҲИС ҚИЛАМАН. ПАРТИЯМИЗ САФИДАГИ КИШИЛАРНИНГ ҲАР БИР ЮТУҒИДАН, ГЎЁКИ, УНГА ЎЗИМ ЭРИШГАНДЕК ЮРАК-ЮРАКДАН ҚУВОНАМАН.

► Давоми 2-бетда.

«Ёш сиёсатчи — 2015» кўрик-танловининг якуний республика босқичи жорий йил 4-5 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади.

ЎзХДП Сирдарё вилоят ва туман, шаҳар кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарига жорий йилнинг биринчи чорағида 115 мурожаат бўлди. Шундан 70 таси ҳамкор ташкилотлар кўмағида ижобий ҳал этилди. Қолгани назоратга олинди ва айримларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

■ ДАВРА СУҲБАТИ

«Ёш сиёсатчилар» клубида мулоқот

Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент вилоят бўлими қошидаги «Ёш сиёсатчилар» клубининг янги координатори ва аъзоларини сайлашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Ёшлар теран фикр ва мулоҳазаларида, ўртага ташланган мавзу юзасидан билдирилган аниқ таклифларида ҳар жиҳатдан ташаббускор, интилувчан ва билимли эканларини намоён қилишди.

— Клуб фаолиятдан мақсад ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашдан иборат, — дейди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент вилоят бўлими етакчиси Илмижаҳон Тлеубергенова. — Низомга асосан, партия минтақавий кенгашлари қошида тузиладиган клуб таркиби 10 на-

фардан кам бўлмаслиги, заруратга қараб бошланғич партия ташкилотларида ҳам тузилиши мумкин. Аъзолар 3 йўналиш бўйича партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини электротар вакиллари ўртасида тарғиб қилади. Биринчи йўналишда ташкилотчилар гуруҳи фаолият олиб боради. Жамоатчилик назорати ва мониторинг қилиш гу-

руҳи иккинчи йўналишда партия ғоялари тарғиботи билан шуғулланади. Нотиқлар гуруҳи учинчи йўналишда бўлиб, улар ўз тенгдошлари орасида партиямиз ғояларини тарғиб этиш бўйича таъсирчанликни қўлайтиришга хизмат қилади.

Клуб фаолиятини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, ҳар бир аъзо илгари сураётган ғоя ва ташаббуслар, таклиф ҳамда тавсияларнинг мунтазам ёритилиши йигит-қизлар фаоллигини ошириб, уларни бунёдкор ғоялар атрофида бирлаштиришга ундайди. Бу эса олдимизда турган мақсад ва вазифаларнинг амалга оширишга хизмат қилади.

Умид БАРАКАЕВ

Фарғонада ўтказилган тадбирда 135 нафар хотин-қиз ЎзХДПга аъзо бўлишди.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

«КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ

хотин-қизлар турмуш фаровонлигининг муҳим омилidir»

Айни пайтда ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан жойларда шу мавзуда давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Бугун мамлакат саноатида банд бўлганларнинг 42,4 фоизи, фан, таълим, маданият соҳаларида 75,3 фоизи, соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимоий муҳофаза соҳаларида 76,3 фоизи аёллардир. Уларнинг икки юз минг нафарга яқини ЎзХДП аъзолари ҳисобланади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Фарғона вилоят партия кенгаши билан ҳамкорликда «Кучли ижтимоий сиёсат — хотин-қизлар турмуш фаровонлигининг муҳим омилidir» мавзусида анжуман ташкил этди.

Фарғона политехника институти катта зали вилоятнинг фаол аёллари, партиянинг ёш аъзолари билан гавжум бўлди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, депутат Нўмонжон Акбаров, ЎзХДП Марказий Кенгаши маъсۇл ходими Назира Матёкубова мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамият ривожиди фаол иштироки ҳақида сўз юритишди.

► Давоми 2-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови бошланди

■ БУНДАЙ ЗАМОННИ, БУНДАЙ ДАВЛАТНИ, БУНДАЙ ВАТАННИ ҚАДРИГА ЕТИШ КЕРАК

■ СЕССИЯГА МАСАЛА КИРИТИЛДИ

Бугун мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг самарали механизми муваффақиятли амалга оширилмоқда. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, миллий генофондни мустаҳкамлашга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этилиб, аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, жойларда сифатли тиббий хизматни йўлга қўйиш борасида салмоқли натижаларга эришиляпти.

Партиямиз гуруҳи ташаббуси билан

аҳоли саломатлиги бўйича назорат-таҳлил ишлари олиб борилди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида аҳолининг репродуктив саломатлигини янада яхшилаш, юртдошларимизга замонавий тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг июнь ойида халқ депутатлари Тайлоқ туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳи аъзолари томонидан аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар назорат-таҳлил тартибидеа ўрганилди.

2015 йил 10 августда халқ депутатлари Тайлоқ туман Кенгаши сессиясида бу борадаги масала муҳокама этилиб, ижро органларига тегишли тақлифлар берилди.

Айни пайтда туманда туғуруқ ёшидаги аёллар сони 50571 нафар бўлиб, уларнинг 44 минг нафарига яқини тиббий кўрикдан ўтказилган. Аниқланган касалликлар бўйича

ча соғломлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Туманда вояга етмаганлар сони 64880 нафарни ташкил этади.

Сессия қарорига кўра, тумандаги туғуруқ ёшидаги аёллар ва ўсмир қизларнинг тиббий кўрикдан ўтиши алоҳида режа асосида ўтказилишини таъминлаш юзасидан доимий мониторинг олиб бориш, аниқланган камчиликлар бўйича зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктлари масъулиятини ошириш масалаларида тегишли вазифалар белгиланган.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишда жамоатчилик ва депутатлик назоратини мунтазам олиб бориш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Шоҳиста САТТОРОВА,
ЎзХДП Тайлоқ туман кенгаши раиси.

■ БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Мустақиллик масъулияти



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

— Истиқлол йилларида эришилган ютуқлар замирида, аввало, халқимизнинг ўзаро бирдамлиги ва фидокорона меҳнати мужассамлашган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Рустам Комилов**. — Ана шу бирдамлик натижасида мустақил ривожланиш йилларида юртимиз улкан марраларни қўлга киритди. Натижада мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бормоқда. Масалан, **Жаҳон иқтисодий форуми** томонидан эълон қилинган рейтингда **иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар** орасида мамлакатимиз **5-ўринни эгаллагани**, шунингдек, **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АКШнинг Колумбия университети** томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган **«Бутунжаҳон бахт индексидеа** Ватанимиз **158** мамлакат ўртасида **44-погонани**,

Депутат фикри

Ҳар бир инсон ўз тақдири, ўз ҳаётида мустақиллик берган имконият ва шароитларни онгли тушуниб етиши зарур.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида **1-ўринни** эгаллагани фикримизнинг исботидир.

Ҳар бир инсон ўз тақдири, ўз ҳаётида мустақиллик берган имконият ва шароитларни онгли тушуниб етиши зарур. Шундагина мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, уни асраб-авайлаш ҳамда Ватан равақига ҳисса қўиш, юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларни ортади. Ташкил этилаётган тадбирларда эришилган, қўлга киритилаётган на-

тижаларга шунчаки маҳлиё бўлиб қолмасдан, уларни янада ривожлантириш, одамларда рағбат ҳиссини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим...

Тадбир якунида Яшнобод туман «Баркамол авлод» болалар маркази қошида ташкил этилган тўғарак аъзоларининг Ватанимиз, мустақил диёримизни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлари янгради.

Гулярух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

«Кучли ижтимоий сиёсат

хотин-қизлар турмуш фаровонлигининг муҳим омилидир»

— 90-йиллар бошларида қишлоғимизда аёллар ўртасида «сариқ касал» кўпайиб кетди, — деб эслайди **Ўзбекистон Қаҳрамони, «Патиллахон» фермер хўжалиги раҳбари, партия фаоли Патилахон Эргашева**. — Чунки кетмон кўтаришга яраган қиз-жувон борки, ҳаммаси эрта саҳардан қуёш ботгунча далада эди. Самолётдан сепилган захри қотил ҳавони заҳарлар, биз эса шу ҳаводан нафас олардик. Натижада кўплаб касалликлар тарқалиб, кишилар саломатлиги хавф остида қоларди. Булар эртақ эмас, ҳаёт, кечаги кун ҳақиқати.

Бугун-чи? Она-бола саломатлиги ҳимоясига доир давлат дастурлари қабул қилиняпти. Ижтимоий соҳага давлат бюджетининг 60 фоизи сарфланяпти. Уйда ўтирган аёллар касаначилик, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Юртимиз тинч. Шаҳар-қишлоқларимиз обод. Бунинг қадрига етишимиз лозим.

Минбарга **Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати Шахноза Давлатова** кўтарилди.

— Мен Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмакон юртининг бахтли фарзандиман, — деди у. — Давлат мукофотиға сазовор бўлдим. Ёшларини доим қўллаб-қувватлаган, уларни буюк келажак сари чорлаган бундай мамлакат яна қайда бор?!

— Шоҳсуланинг энг юқори поғонасига чиққанамиз, Ўзбекистон мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилди, — дейди **Осиё чемпиони Мадина Қодирова**. —

Кўзимда қувонч ёшлари қалқиди. Мен, бир қишлоқ қизи истиқлол туғайли шу даражага етдим. Бугун ЎзХДПга аъзо бўлдим. Энди мана шу сиёсий куч сафида мамлакатимизнинг янада раванқ топишига ҳисса қўишга интиламан.

Минбарга бирин-кетин **қўқонлик Гўзал Миртожиева, тошлоқлик Шоҳиста Раҳматуллаева, олтиариқлик Шаҳодат Ортиқова, марғилонлик Шоира Тўхтасинова** ва бошқалар чиқиб, бугун хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи ортиб бораётгани, уларнинг ижтимоий ҳимояси, бунда ЎзХДПнинг ўрни каби масалаларда фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир чоғида 135 нафар хотин-қиз ЎзХДП аъзолигига қабул қилинди. Партия фаолларига ЎзХДП Марказий Кенгашининг «Ташаккурнома»лари топширилди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Сурхондарё вилоятида ўтказилган давра суҳбатида ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, вилоят партия кенгаши мутасаддилари, «Фаол аёллар» қаноти аъзолари иштирок этди.

Тадбирда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, енгиллик ва имтиёзлар яратиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бераётгани алоҳида эътироф этилди.

Давра суҳбатини **ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кен-**

гашидаги партия гуруҳи раҳбари Чори Жумакулов кириш сўзи билан очди.

— Сафимизда 35 минг нафардан ортиқ партия аъзоси бўлса, уларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ва ёшлар ташкил қилади, — деди у. — Сўнгги йилларда 3 минг нафардан ортиқ фаол аёллар ва шижоатли ёшлар партиямизга аъзо бўлгани ҳам уларда фаол фуқаролик позицияси шаклланаётгани, жамият тараққиётидаги иштироки ортиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.

— Худудда 94 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди **ЎзХДП Термиз туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раҳбари Дилбар Муҳамматова**. — Бугун-

ги кунда ҳар бир оиланинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Жорий йилнинг ўтган даврида «Дўстлик», «Истиқлол», «Қорахон», «Қўёшли юрт» ва бошқа маҳалла-ларда 500 нафардан ортиқ хотин-қиз бандлиги таъминланган бўлса, йил охиригача яна 300 янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Бундан 25-30 йил аввал воҳада ўнга яқин ишлаб чиқариш мажмуалари бўларди. Истиқлол шарофати билан жойларда кўплаб қўшма корхоналар иш бошлади. Бу эса халқ фаровонлигини ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда айни муддао бўлмоқда.

— Юртимизда олиб борилаётган ислохотлардан ҳар биримиз фохрланамиз, — дейди **Термиз шаҳридаги 24-мактабгача таълим муассасаси директори, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Динора Абдуллаева**. — Истиқлол шарофати билан халқимиз ўзлигини таниди. Мамлакатимизда хотин-қизлар учун ҳам талай имтиёзлар яратилди.

Давра суҳбати якунида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳиятини электорат вакиллари, хусусан, хотин-қизлар ва ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сиёсий партия

бошланғич ташкилотдан бошланади

— Опа, биласизми, жуда ҳаяжонландим, озроқ кўрдим ҳам, — деди «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловидан қайтаётганимизда Нодира Умирова.

— Нимадан? — сўрадим қизиқиб.
— Ютқизиб қўйишдан...
— Ростини айтсам, мен ҳам хавотирландим. Ҳозир эса севиняпман. Энди кўрик-танловнинг республика беллашувида ўзингни кўрсат.

Шундай дедиму партиямизнинг фаол аъзоларидан бири бўлган Нодиранинг сафимизга қандай қўшилгани ёдимга тушди. Эсимда, у туман ижтимоий-иқтисодиёт коллежига ўқитувчи бўлиб келганида, пухта билими, ташкилотчилиги билан кўпчилиكنинг эътиборига тушган эди. Бир куни коллежга бордим ва у билан узоқ суҳбат курдим, партиямизнинг мақсади, дастури билан таништирдим. Орадан анча вақт ўтгандан кейин унинг ўзи туман партия кенгашига келди ва истакини айтди. Уни партия аъзолигига қабул қилдик. Уч йил бурун БПТ етакчилигига сайланди. У партиявий ишларда ҳам жуда фаол. Айни кунда бошланғич ташкилотимизда ЎзХДП аъзолари сони 20 нафарга етди...

Ҳозир тумандаги 37 бошланғич ташкилот атрофига 1515 нафар аъзо бирлашган. Худудимизда йирик корхоналар кўп. Шунингдек, қоракўлчилик ҳам йилдан-йилга ривожланиб бораёпти. Фермер ва деҳқон хўжалиқларида минглаб электоратимиз вакиллари меҳнат қилишмоқда. Куйи бугун етакчиларининг ҳар бири партияга қабул, сиёсий ўқув машғулотлари, турли тадбирлар юзасидан туман кенгаши билан доимо маслаҳатлашиб туришди.

Ҳар ойнинг охириги шанба кунини «Бошланғич партия ташкилоти кунини» деб белгиланган. Йўқ, расмийчилик учун эмас, ишни яхшилаш учун, айрим масалаларни ўзаро кенгашиб ҳал қилиш мақсадида ушбу усулни жорий

Муборак газни

қайта ишлаш заводи ишчи-хизматчилардан 190 нафари ЎзХДП аъзоларидир.

қилдик. Натижада қатор бошланғич ташкилотларимизда иш сифати ва самарадорлиги ошиб бораёпти.

Масалан, Муборак газни қайта ишлаш заводида минглаб ишчилар меҳнат қилади. Завод директори Элмурод Қурбонов партиямиздан халқ депутатлари Қашқадарё вилоят ва Муборак туман Кенгашлари депутатлигига сайланди. У ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига ёрдам бериш ва бошқа масалаларда фаоллик кўрсатмоқда. Демак, корхонада БПТ фаолият кўрсатиши учун яхши шароит бор. Жамоанинг илгор ишчиси Абдурахмон Тўев икки йил олдин БПТ етакчиси этиб сайланди. У қисқа вақт ичида ўзини кўрсата олди. Ҳозир корхонада 190 нафар ишчи-ҳодим партиямиз аъзоси ҳисобланади.

Шунингдек, Муборак иссиқлик электр маркази муҳандиси Олимжон Казаков, тиббиёт коллежи ўқитувчиси Ўткир Бердиевлар етакчилик қилаётган бошланғич ташкилотларимизда ҳам иш яхши йўлга қўйилган. Айниқса, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда улар алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Партиядошларимиз тумандаги кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга ижтимоий кўмак бериш ишларида бош бўлишмоқда.

Умуман олганда, бугун партиямиз тизимига бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, уларни партия гоя ва мақсадларини кенг тарғиб этувчи воситага айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, бу орқали аъзоларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаолилиги ошиб бормоқда, бизга хайрихоҳлар сони кўпаймоқда. Аслини олганда асосий мақсад ҳам шундан иборат.

Алиме ПАРПИЕВА,
ЎзХДП Муборак туман кенгаши раиси,
халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари.



■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ИЖТимоий ҲИМОЯ ВА Қўллаб-қувватлашга ЭҲТИЁЖМАНД АҲОЛИ ҚАТЛАМИ МАНФААТЛАРИ УЧУН КУРАШАДИ.



■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ПАРЛАМЕНТДАГИ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДА.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Микрокредитбанк» сармоялари

янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, инсон манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мустақиллик йилларида банк-молия тизимининг такомиллаштирилиши, нафақат тижорат банклари ва миқозлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, балки юртдошларимизнинг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариб, даромадларини кўпайтиришда, жамиятдаги ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим омили бўлмоқда. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг Бухоро вилоят филиали фаолияти ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

— Миқоз банк учун эмас, банк миқоз учун таъминоти амал қилган ҳолда ўз хизматларимиз билан олис қишлоқларга ҳам кириб бормоқдамиз, — дейди кредитлаш бўлими бошлиғи Феруз Бегандиков. — Жойларда бир қатор хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Бу эса аҳолига сифатли банк хизматлари кўрсатиш имконини янада оширмоқда. Миқозларнинг сони ортиб, уларнинг банкимизга бўлган ишончи тора мустаҳкамланмоқда.

Маъмур банкнинг имтиёзли кредитлари эвазига қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш, бошланғич сармояни шакллантиришга қўмаклашиш, тадбиркорлик субъектларини ўз фаолиятини кенгайтириши учун қўллаб-қувватлаш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бойитиш борасида ҳам бир қатор эътиборга



Ушбу олинган сурат.

сазовор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу ишлар ўзининг ижобий самарасини бериб, бугунги кунда вилоятда аҳолига сифатли сервис хизматлари кўрсатишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуғи ортиб бормоқда. Бунда, табиийки, «Микрокредитбанк» Бухоро вилоят филиалининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жорий йилнинг олти ойида иқтисодиёт тармоқларига 31,4 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилгани, 1119 янги иш ўринлари ташкил этилишига замин яратди.

Ромитан туманидаги «Ромстар» қўшма корхонасига ажратилган 200 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли

Банк томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш борасида ҳам таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган даврда 224 нафар ёш мутахассисга 1 миллиард 846,4 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.



— Туманимизда мини футбол майдончаси қуриш ҳақида ўйлаб юрдим. Коллежни битирганимдан сўнг, «Микрокредитбанк»нинг Жондор филиалидан 60 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олдим, — дейди «Абдулло Аслбек» оилавий корхонаси раҳбари Ш.Абдуллаева. — Ҳозирги кунда ушбу кредит эвазига спорт майдончасини ишга туширдик.

Банкнинг амалиёт бўлими ва туман филиаллари томонидан жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 2 716 миллион сўм, деҳқон ва фермер хўжаликлари молиявий қўллаб-қувватлаш учун 4 330,5 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ушбу сармояларнинг 1 617,3 миллион сўми турли техникалар, машиналар ва асбоб-ускуналар харид қилишга, 2 713, 1 миллион сўми чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичиликни ривожлантиришга йўналтирилди.

Бундан ташқари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 7 267 миллион сўм, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 1 394 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

«Микрокредитбанк» билан оила фаровонлиги сари!

«Микрокредитбанк»
матбуот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

Ўргут туманидаги

«ЎРГ АНТЕП ЯШАМ»

қўшма корхонаси жамоаси

Ватандошларимизни

мамлакатимиз

Мустақиллигининг

24 йиллиги

билан қутлайди!

Ўзбекистоннинг иқтисодий

куч-қудрати ошиб,

ҳаётимиз фаровонлашиб

бораверсин.



TOSHRANGMETZAVOD



Азиз юртдошлар!

“Тошрангметзавод” АЖ жамоаси сизларни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан чин қалбдан табриклайди.

Юртимиз ҳамиша тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, хонадонларимизни қут-барака, тўкин-сочинлик тарк этмасин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

24

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
10987
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 23.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5